



БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 март куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Бухоро вилоятини ҳам ривожлантириш бўйича улкан режаларни баён этган эди. Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, истиқболли лойиҳалар билан танишмоқда.

Бухоро асрлар давомида жохон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келган, ҳақиқат ривожда шарифлик макомига сазовор бўлган муқаддас шаҳарлардан.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Бухорода беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Бухоро маданий маркази», унинг таркибидаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи бухороликлар ва вилоятга келувчи сайёҳларнинг сеvimли масканига айланган.

Сўнгги йилларда бу борадаги ишлар вилоятда янада кенг қўламда амалга оширилмоқда. 2016 йилда вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,9 фоизга ошди. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 67,9 фоизни ташкил этди.

Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши давом этмоқда. Мажмуа таркибига йилга 8,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш қувватига эга завод, 114 қазич қудуғи, 11 маҳсус майдон ва 4 йиғув пунктини ўз ичига олган табиий газни тўплаш тизими қиради. 370 километр газ қувури, 160 километр автомобиль йўли қуриш режалаштирилган бу лойиҳа Ўзбекистон газ конларини ўзлаштиришни янги босқичга кўтарди. Марказий Осиёдаги йирик ишлаб чиқариш мажмуаларидан бири бўлган ушбу заводда 2 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилади.

2016 йили энг улуғ, эг азия байрамимиз арафасида Тошкент — Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электр поездининг илк қатнови амалга оширилди. Бундан вилоят аҳлининг кўнгли кўтарилди, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини буюк алломаларимиздан бири Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Эски тузум даврида бу муқаддас маскан хароб бўлиб қолган эди. Истиқлол йилларида миллий, маданий ва маънавий қадриятларимизни, тарихий обидаларимизни тиклаш борасида кенг қўламда ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан мазкур зиёратгоҳ таъмирланди. Мажмуадаги дахмалар, макбаралар, масжидлар, айвонлар ва мадрасанинг тарихий қиёфаси тикланиб, қутлуг қадмаҳқа айланган.

Бугун бу маскан юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар қадами узилмайдиган зиёратгоҳлардан биридир.

Таомилга биноан Куръон тиловат қилинди.

Президентимиз мазкур ёдгорлик мажмуасини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Бухоронинг жажон қиёсатлар берди. Бу заминда кўплаб алломалар таваллуд топан ва яшаган. Уларнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун бу ерда Тошкент ислом университетининг маҳсус факультетини ташкил қилиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Бухоро темир йўл вокзалига йўловчилар учун яратилган шароитларни бориб кўрди.

Узоқ истиқболга мўлжалланган маҳсус дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг қўламда ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йилларда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, мавжудлар реконструкция қилинди, электрлаштирилди. Янги йўналишлар очилиб, янги темир йўл вокзаллари қурилди, мавжудлар таъмирланди.

Мазкур вокзал Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 6 мартдаги 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникациялари ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури

тўғрисидаги қарорига асосан янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Вокзалда VIP ва турли хизматлар кўрсатиш заллари, тиббиёт, она ва бола, дам олиш хоналари, кутубхона, савдо шохобчалари мавжуд. Бино ташқарисида 4 янги чиптахона ва фаввора қурилган.

Майдони 2,9 гектар бўлган вокзал бир вақтнинг ўзига 500 дан зиёд йўловчи хизмат кўрсатади. Бир кеча-кундузда 2 мингдан ортиқ йўловчини қутиб олиб, жўнатиш имкониятига эга.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Бухоро — Мискин темир йўл қурилишининг бориши билан танишди. Ушбу темир йўл 350 километрдан зиёд. Лойиҳанинг умумий қиймати 283 миллион долларни ташкил этади. Мазкур йўналиш бўйича қурилган темир йўлда 8 темир йўл станцияси ва разъездлар барпо этиш белгиланган.

2015 йил 6 ноябрда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва Испаниянинг «Patentes Talgo, S.L.U» компанияси ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи яна 2 электропоездни харид қилиш бўйича шартнома имзоланган эди. Шартномага мувофиқ, ушбу замонавий электропоездларнинг биттаси мамлакатимизга олиб келинди.

Президентимиз янги «Afrosiyob» электропоезднинг имкониятлари, йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишди.

Замонавий электропоезд олдингиларига қараганда янада кенг имкониятларга эга. Хусусан, шу вақтга қадар ҳаракатланаётган юқори тезликдаги электропоездлар 215 йўловчи сиймига эга эди. Янги поезд 287 йўловчига мўлжалланган. Унда «эконом» тоифали вагонлар сони 2 та кўп.

Тез қўнларда электропоезднинг иккинчиси ҳам олиб келинади. Поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш баробарида қўшимча иш ўринлари яратилиб, 15 манисини ва 50 га яқин вагон қўзғатувчисини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. «Ўзтемир-Йўлмаштамир» унитар корхонаси ҳудудида юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларга хизмат кўрсатиш цехи қурилмоқда. Бу ҳам янги иш ўринларини кўпайтириш имконини беради.

Президентимиз «Бухоро бриллиант силк» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида бўлиб, вилоятда аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган бир қанча лойиҳалар билан танишди.

2010 йилда ташкил этилган, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхонада пилла қайта ишланиб, турли ўлчам, кўриниш ва рангдаги матолар тайёрланмоқда. Бунда буюртмачи тақлифи ва бозор талаби асосида иш тутилмоқда. Ҳозир бу ерда «Баҳор», «Ёмғир», «Юлдузлар» каби ўнлаб кўринишдаги матолар ишлаб чиқарилмоқда. Матого босилган гулларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг ранги ўчмайди, сув ва қуёш нурига чидамли.

Ипак матолар экологик тоза, ҳар қандай иқлимга мос. Маҳсулот буюртма асосида Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги харидорларга етказиб берилмоқда. Тайёр маҳсулотнинг экспорт қилиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаётди.

Айни пайтда «Бухоро бриллиант силк» қўшма корхонасининг ипак тоалари хорижда харидордир. Ўтган йили Эрон, Вьетнам, Туркия, Хиндистонга қарийб 2,5 миллион долларга тенг маҳсулот экспорт қилинди.

Бундай корхоналарни кўпайтиришимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу корхоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари билан

ҳамкорлик қилиш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда «Ўзбекенгил-саноат» акциядорлик жамияти томонидан собиқ «Бухоротекс» АЖ негизда ташкил этиладиган «Индорама Индаст ЛТД» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишди.

Бухоро вилоятида етиштирилган пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона ишга тушгач, 400 га яқин иш ўрни яратилади. Корхонага Швейцариянинг «Ритер» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий ва энергетикакор технологияларни ўрнатилган.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида пахтани қайта ишлайдиган замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Бу ҳудудда етиштирилган пахта толасини шу ернинг ўзига қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Президентимизга «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан 2017-2018 йилларда Бухоро вилоятида пахта толасини қайта ишлаш дастури лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Бугун Бухорода етиштирилаётган пахта толасининг 20,6 фоизи вилоят ҳудудида саноат усулида қайта ишланмоқда. Янги лойиҳа бўйича вилоятнинг 7 шаҳар ва туманида 13 йирик саноат корхонасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу вилоятда етиштирилган пахта толасининг 65 фоизини қайта ишлаш, 5 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш имкониятини яратади.

Дастурни баҳарий учун мамлакатимиз тижорат банклари маблағлари ва чет эл инвестициясини жалб қилиш режалаштирилган.

Ердан унумли фойдаланиш, тутзорлар барпо этиш бўйича янги лойиҳа тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимизда етиштирилган ипак толасига дунё бозорига талаб юқори. Давлатимиз раҳбари мазкур соҳани янада ривожлантириш, тутзорларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилаётган «Ўзбек-ипаксаноат» уюшмасининг таркибий тузилмаси билан ҳам танишди.

Вилоятда аграр тармоқни янада ривожлантиришда ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларида қишлоқ хўжалигининг биз янгидан ўзлаштирилган соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Бухоро шаҳрида ишга туширилаётган «Бухоро каттон текстиль» корхонаси лойиҳаси билан танишар экан, Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда етиштирилган пахтани тола кўринишида сотиш энг кам даромад келтиришни, пахта толасини қайта ишлаб, экспорт қилиш бўйича қўшма маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

1000 кишининг бандлиги таъминланиши кўзда тутилган корхонада 6,5 минг тонна ип-калава, 10 минг квадрат метр жинси мато ва 1,5 миллион дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимизга Олот туманидаги «Мергантекс» масъулияти чекланган жамияти, Пешку туманидаги ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўп тармоқли корхона, Бухоро шаҳрида пахта етиштиришдан тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришга бўлган жараёни қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери тузиш, табиий ва кимёвий тоалардан интеграция асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги Арк кўрғони мажмуасида вилоятнинг туризм

салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимотида иштирок этди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури асосида 39 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Мамлакатимизда туризмнинг зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Дастур доирасида БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) ҳамда туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш, сайёҳлик индустрияси объектларини жадал ривожлантириш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларига 18,5 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар ва бошқа ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Вилоятда рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини яратиш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғиб қилиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш, соҳада реклама-ахборот фаолиятини кенг йўлга қўйиш бугунги кун талабидир.

Бухоронинг қўҳна ва боқий шаҳар, деб аталишида катта маъно бор, деди Шавкат Мирзиёев. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атикалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Чет элликларнинг, тарихчи ва мутахассисларнинг уларга қизиқиши доимо юқори бўлган. Бундан самарали фойдаланиш керак.

Бухорода кичик халқа йўли бунёд этиш, йўлқўнларга мармар ва ишлов берилган тошлар ётқизиш, бино ва йўлларнинг ёритиш тизимини замонавийлаштириш, меҳмонхона ва иншоотлар қуриш, улар атрофида ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос дархат ва гуллар экиш, маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун барча қулайлик ва имкониятлар яратиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Президентимиз Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳасини кўздан кечирди.

1,2 гектар майдонни ўз ичига оладиган ушбу музей қурилишига бюджет маблағлари ҳисобидан 68,3 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланмоқда. Музей ишга туширилгандан сўнг, Арк кўрғонида сақланаётган ноёб экспонатлар у ерга қўйиладиган. Олтиминдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шавкат Мирзиёев маданий мерос объектларининг бугунги кундаги ҳолати ва уларни сақлашга доир лойиҳалар тақдиротлари билан ҳам танишди.

Бухоро вилоятида 660 маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг аксарияти археологик объектлар, монументал санъат асарлари, архитектура ёдгорликларидир.

Президентимиз ушбу маданий мерос объектлари халқимизнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиз эканини таъкидлади. Маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан соҳа мутахассислари ва уста-қурувчиларга зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Жондор туманидаги «Жондор чинор чорва» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этиладиган паррандачилик мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

Бухоро вилоятида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида интенсив технологиялар кенг жорий этилмоқда.

Натижада тухум ва парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Бугунги кунда вилоятда паррандалар 3,8 миллион бошга, тухум ишлаб чиқариш 347,7 миллион донага етди.

Парҳез гўшт етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида «Жондор чинор чорва» масъулияти чекланган жамияти Нидерландиядан насли парранда олиб келди. Энди корхона негизда қўшимча равишда парранда гўштини қайта ишлаш цехи, 110 минг бош жўжа ўстиришга мўлжалланган мажмуа ишга туширилади. Умумий қиймати 15 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа натижасида парранда гўшти тайёрлаш 2 минг тоннага етказилиб, унинг минг тоннаси қайта ишланади. Аҳолига 18 миллион дона тухум, 1 миллион дона жўжа етказиб берилади. Жами 285 иш ўрни яратилади.

«Ўзмилийбанк» ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Property Industry» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигида Бухоро туманида 38 гектарда агрологистика маркази барпо этилмоқда. 21,8 миллион долларлик мазкур лойиҳа доирасида бу ерда Хитой, Германия, Дания технологиялари асосида мева-сабзавотларни қуришти, музлатиш, мураббо, жем ва тузалмалар ишлаб чиқариш қувватлари, музлаткич ва сублимация ташкил этилади. Бу йилга 10 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш, дастлабки йилларда 6,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконини беради. 250 доимий иш ўрни яратилади.

Ушбу агрологистика марказида маҳаллий хомаша асосида эни 12 метрлик полиэтилен плёнкалар, агрокимёвий воситалар ва суюқ ўғитлар ҳам ишлаб чиқарилади. Шу пайтгача хориждан келтирилган бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиш билан бирга, экспорт ҳам йўналиштирилади.

Пешку туманида ташкил этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳаси намойиш этилди.

2016 йилда Бухоро вилоятида қорамоллар бош сони 2015 йилга нисбатан 4,1 фоизга, қўй ва эчкилар 5,5, гўшт етиштириш 7,1, сут ишлаб чиқариш 9,5 фоизга ошди.

Янги чорвачилик комплекси 1000 бош қорамол ва 1 минг 500 бош қўй боқишга мўлжалланган. Умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган мазкур лойиҳа натижасида 2 минг 650 тонна сут, 200 тонна гўшт, 2,5 тонна жун ишлаб чиқариш режалаштирилган. 800 гектар майдонда озуқа етиштирилади. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шу ерда Бухоро, Пешку, Ромитан, Олот туманларида ташкил этилаётган чорвачилик хўжаликлари лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Аму-Бухоро ирригация тармоқлари лойиҳаси тақдироти билан ҳам танишди.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 25 августдаги қарорига мувофиқ «Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу кунгача Қуйи мазор, Қорақўл ва Олот насос станциялари реконструкция қилинди. Умумий қиймати 406 миллион доллардан ортиқ бўлган мазкур лойиҳа доирасида Аму-Бухоро-1 янги насос станцияси қурилади, Аму-Бухоро-II, Қуйи мазор, Қизилтепа ва Қизилтепа-1 насос станциялари реконструкция қилинади. Бунинг самарасида Бухоро вилоятида 275 минг, Навоий вилоятида 40 минг гектар ер сув билан барқарор таъминланади. Йилга 134,2 миллион кубоватт электр энергияси, 25,6 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағи тежалди.

Президентимиз бу ирригация тизими Бухоро учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, ажратилган маблағ ва техникалардан оқилона фойдаланиш, белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ернинг ўзига жорий йилда Бухоро вилоятида ташкил қилинадиган интенсив боғлар режаси ҳам намойиш этилди.

Бухоро шаҳрида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи давом этмоқда.

АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Оразмурод
ҚУРБОНОВ,
Республика туркман
миллий маданият
маркази раиси,
«Дўстлик» ордени
соҳиби:



— Биз ўзбекистонлик туркманлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи катта ҳаяжон ва чексиз қувонч билан кузатдик. Бу тарихий сафар гоёда самарали ўтганига шохид бўлди. Аввало айтиш керакки, Ўзбекистон раҳбарининг биринчи бўлиб Туркменистонга давлат ташрифи билан борганининг ўзи ўзбек ва туркман халқлари мустақам дўстлигининг яна бир ёрқин исботи бўлди.

Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишга хизмат қилишига ишончимиз комил. Икки давлат раҳбарларининг самимий учрашуви, имзоланган шартномалар, маданий тадбирлар тараққиётимизни тезлаштиради, ҳамкорликни мустақамлайди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги қиринчи маросимдаги нутқида Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни

каби олижаноб фазилатлари бўй-баста билан намоён бўлди.

Ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бу икки қардош халқнинг алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил давом этиб келмоқда.

Ўзбек ва туркман халқлари азал-азалдан ёнма-ён, тинч-тотув, аҳил ва иноқ яшаб келган, бир дарёдан сув ичган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бугунги кунда бу азалий дўстлик аънавалари янада кўтаринки руҳда давом эттирилмоқда. Илдизи бир бўлган халқларимиз бугун ҳамма соҳада ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирмоқда. Қайси бир соҳани олманг, унда албатта, эътироф ва эътиборга муносиб тарафлар бор. Масалан, бугунги кунда, Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортиқ миллат уяллар орасида туркманлар ҳам бор. Республикаимизда улар эмин-эркин яшаши, меҳнат қилиши, фарзандларини тарбиялаб, камолга етказиши, ўз она тилида ўқиш, тахсил олиши учун барча имкон ва шароит яратилган. Жумладан, Республика туркман миллий маданият маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги миллий маданият марказлари фаол ишлаб турибди.

Таълим соҳасини оладиган бўлсак, бугунги кунда республикаимизда туркман тилида

ҳам умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республика туркман миллий маданият маркази ҳар йили ташкил этиладиган «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Бизнинг куч — бирлик ва жипсликда», каби маданий-маърифий тадбирлар ва бошқа байрам тантаналарида фаол қатнашиб келади.

Президентимизнинг Туркменистонга давлат ташрифи арафасида Тошкентда Махтумқулининг «Элингга бахш айла» китоби чоп этилгани нафақат Ўзбекистон халқи, балки туркман халқи учун ҳам катта соғва бўлди. Қуни кеча матбуотда ўқидик, «Махтумқулинома» китоби ўзбек тилига таржима қилинди. Самарқандда ўтказиб келинаётган аънавий «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида туркман санъаткорларининг изчил қатнашиб келадигани ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Икки мамлакат Президентларининг очик, самимий мулоқоти нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиради, шу билан бирга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамлайди, борди-келди-кенг йўл очади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга қилган давлат ташрифи дўстлик ва ҳамкорлик, минтақадаги тинчлик ҳамда барқарорликни янада мустақамлашга, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги муносабатларини янги даврини бошлаб беришга, абадий дўстлик ва муштарак мақсадларга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Наврўз — 2017

СУНЬ Лицзе:

НАВРЎЗ — ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ, МЕХР- ОҚИБАТ, САҲОВАТ ВА ЭЗГУЛИК РАМЗИ

Йилнинг энг ажиб ва гўзал фасли баҳор кириб келди. Наврўз айёми ҳам тобора ажибланиб кетмоқда. Бу байрам ўзининг тарихи, фалсафаси, гўзаллиги билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Наврўз арафасида **Хитой Халқ Республикаси** **Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе** ўзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон нафақат ноёб тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари, замонавий бинолари, балки турфа аънава ва урф-одатлари билан ҳам дунёга машҳур. Ўзбекистонда ҳар бир байрам мазмунли, шоду хуррамлик билан ўтади.

Наврўз юртингизда азалдан аънавий нишонлиб келинаётган байрамлардан биридир. Қадимги миллий қадриятлар тисмоли бўлган ушбу байрам халқининг бағрикенглик, яхшилик, саховат ва меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларини намоён этади.

Мен Ўзбекистон халқининг кўп асрлик урф-одат, аънава ва қадриятларини чуқур ҳурмат қиламан. Мамлакатингизда миллий қадриятлар ва аънаваларни қайта тиклаш, уларни чуқур ўрганиш, янада ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани эътиборига лойиқдир.

Ўзбекистоннинг баҳор келиши билан ўзгача тус олиб, янада чирой очилиши унутилмас таассурот қолдиради. Наврўз арафасида ҳар бир ҳудудда ободонлаштириш ва қўламли зорлаштириш ишлари, ҳашар ўтказилиши аънавага айланган диққатга сазовордир. Бундай эзгу аънавалар одамларни жипслаштириб, жамиятда тинчлик, тотувлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустақамлашга қўмаклашади.

Мамлакатингизда Наврўзни кенг нишонлаш гўзал аънавага айланган. Бу байрамни бир неча йилдан буюн Ўзбекистон халқи билан биргаликда нишонлаётганимдан хурсандман. Тошкент шаҳридаги майдон ва хиёбонлар, барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам сайилларини интиқлик билан кутаман.

— **Элчи жаноблари, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?**

— Жорий йил мамлакатларимиз учун алоҳида аҳамиятга эга йил эканини таъкидлашни истардим. Негаки, бу йил ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ва муваффақиятли ривожланиб келмоқда. 2016 йил Хитой ва Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини йўлга қўйди.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги ташрифлар амалга оширилмоқда, ўзаро ишонч ўсаяпти, ҳавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик мустақамлашиб келмоқда. Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тобора кенгаймоқда. Давлатларимиз минтақавий ва халқаро масалаларни ҳал этишда яқин ҳамкорлик қилмоқда ва уларнинг бу борадаги фикрлари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Хусусан, 2016 йил июнь ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, сўнгги ойларида ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир неча марта мулоқотда бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш истаги муштараклигини билдирди.

Хитой ва Ўзбекистон халқларини азалдан ўзаро савдо муносабатлари, маданиятларини бойитиш ришталари боғлаб келган. Бугунги кунда сиёсат, иқтисодиёт, савдо, санъат, қурилиш, илм-фан, таълим ва маданият каби турли жабҳалардаги ҳамкорлигимиз янги ривожланиш босқичига кўтарилди.

Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари ШХТ доирасида ҳам жадал ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз қатор йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда ҳаётга таътиб этмоқда. 2013 йили «Жиззах» маҳсус индустриал зонаси шаклида ташкил қилинган юқори технологиялар санъат парки бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу эркин иқтисодий зона ва унинг Сирдарё вилоятидаги филиалида мобил телефонлар, тивувчилик машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Ангренда Хитойнинг «Поли Технолоджи» компанияси билан ҳамкорликда автомобил ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер ленталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё — Хитой газ қувури тармоқларининг Ўзбекистон орқали ўтиши ёқилғи-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорлиқдан далолат беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатингиздаги углеводород конларини қидириш ва қазини ишларида фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон — Хитой» ҳамда «Хитой Халқ Республикаси — Марказий

Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари бу борада муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгги йилларда талабалар алмашиб, хитой тилини ўқиш, минтақалараро алоқалар, қўшма археологик экспедициялар ўтказиш, бадий асарларни ҳар икки тилга ўғириш бўйича янги уюлқларга эришилди. Маданий-гуманитар ҳамкорлик эса мамлакатларимиз халқларининг қалбига ўзаро ҳурмат туйғуларини чуқур сингдирмоқда. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ташкил этилган Конфуций институтини сўнгги 12 йилда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилаётган 3 мингдан зиёд мутахассис битирди. Хитой қадимги маданият ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой Шимоли-Гарбий университетини мутахассислари Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар олиб бориш ва тарихий обидларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорликда ишламоқда. Буюк ипак йўлини қайта тиклашга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили хитойлик машҳур ёзувчи Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» асари ўзбек тилига таржима қилинди.

Шу билан бирга, Хитой Ўзбекистонга минтақавий транспорт узели сифатида алоҳида эътибор қаратади ва бу борада ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни мустақамлашдан манфаатдор. Барча соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик Хитой ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги йўлида янада мустақамлашишга ишонаман.

— **Жаноб элчи, Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган тўб ишлорлар натижаларини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасини ишончли ҳамкор, деб билади. Биз Ўзбекистон халқининг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танлаган тараққиёт йўлини, мустақиллигини мустақамлаш, суверенитети ва ҳудудлар яхлитлигини таъминлаш борасидаги савй-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёт даражаси муттасил ортиб бормоқда. Мамлакат бозор иқтисодиётига эга ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор индустриал ривожланган давлатга айланмоқда ва бу мустақилликка эришилгандан сўнг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда ҳаётга таътиб этилаётган кенг қўламли ишлорлардан самарасидир. Санъат, жумладан, юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ўсиб, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестиция оқими қўламли бораётгани ва, айнқсқа, чет эллик шериклар учун бизнес муҳитининг мунтазам тақомиллаштирилатгани, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шу йилнинг 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни янада ривожлантириш йўналишлари аниқ белгиланган.

Стратегияни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда ишлорларни илгари сурши, иқтисодиётнинг очиклигини ривожлантириш ва рағбатлантириш, инвестициялар жалб этиш бўйича қатор аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатингизнинг ишлорлар ва очиклик сифатидан Хитой ҳам манфаатдор.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, иқтисодий тараққиёт йўлида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ички инвестициялардан унумли фойдаланиш самарасида Ўзбекистон келажакда ўз олдиға қўйган мақсадларини амалга оширишда юксак марраларга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигиға бағишланган тантанали маросимда маърузасида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ривожлантириш инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиш Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатнинг халқ билан мулоқоти борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорларнинг мантикий давомидир.

Бу, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келётган Наврўз айёми билан самимий табриқлайман. Ўзбекистон ва унинг дўст халқига чин дилдан тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

ЎзА муҳбири

Нодира МАНЗУРОВА

суҳбатлашди.

ҚАДРИ БОР АЁЛ — ЭНГ БАХТЛИ АЁЛ

Гулшан АСАТОВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши
Хотин-қизларнинг
ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш
сектори мудири.



— Пойтахтимизда Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда мен ҳам иштирок этдим. Тўғриси, байрам тадбири бўладиган бинога кираверишда қалбимни ўзгача шукх, ҳаяжон чулғаб олди. Чунки байрам баҳонасида меҳру нафосатга йўғрилган гўзал, бахтиёр опа-сингилларимиз билан дилдан гаплашиб, улар билан бир дас-турхон атрофида самимий мулоқот қилиш имкони бор эди. Ҳамма бир-бирини кўлаб, табриқлади, дийдорлашди. Бир сўз билан айтганда, бу йил Хотин-қизлар байрами бошқача нишонланди, янада кўтаринки руҳда ўтказилди.

Айниқсқа, учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев билдирган самимий тилақлардан ниҳоятда руҳландик, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари аёлларнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо берди, юртимизнинг бугунги тараққиётидаги улкан ҳиссасини алоҳида эътироф этди. Биз, барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздоримиз,

дея таъкидлаб ўтганида барча аёллар каби мен ҳам ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Аёллари эъзозланган, ардоқланган ана шундай юрда яшаётганимдан ғурурландим.

Президентимиз нутқида бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи айнан хотин-қизлар экани алоҳида таъкидланди. Чиндан ҳам, бугун аёлларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки барча соҳаларда ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Улар ўзининг билим ва тажрибаси, қобилияти ва малакаси билан кўпгина жабҳаларда фаол меҳнат қилиб келмоқда. Давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ҳам уларнинг алоҳида иштироки борлиги сезилиб туради.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодлар орасида хотин-қизлар 30 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланб қўйилганлиги уларнинг сиёсий жараёнида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 5 нафар, маҳаллий кенгашларда

450 нафарга яқин партияимиздан сайланган депутат аёллар халқ вакили сифатида ҳудудларда учраётган муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Партияимиз аъзоларининг 210 мингга яқини, яъни 49 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Улардан 300 нафардан ортиги минтақавий ва маҳаллий партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият юритади. Ана шу рақамлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва фаоллиги тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Учрашувда ён-атрофимда ўтирган аёлларга назар солдим. Опа-сингилларимизнинг ҳаммаси ҳаётидан хурсанд, бахтиёр эди. Юрағида бир олам шукроналик билан яшаётган хотин-қизларимизга қараб кўнглимдан кўп уйлар ўтди, хотиралар эсга тушди.

Ўзбек аёлларининг совет замонидаги аччиқ турмуши кўз олдимда гавдаланди. Хотин-қизлар қуёш чикмасидан қасарлаб далага отланарди. Ёзининг жазирама оғрибиди ҳам тиним билмай кетмон чопар, кечга келиб ўчоқ бошида пишир-қуйдирдан бўшамади. Машаққатли меҳнат ортидан косаси ҳеч оқармаган. Уларнинг соғлиги ҳақида эса биров ўйламаган. Рўзғоридеги кам-у, кемтиклик тўлдирай деб, орзу-умидлари дилидан тилига кўчмаган...

Бугунги аёлларимизнинг турмуши, яшаш тарзи бундан 25 йил олдингисидан тубдан фарқ қилади. Ҳозирги ўзбек аёли ҳамма қулайликларга эга намунавий хонадонларда, янгитдан қурилатган кўп қаватли уйларда яшайди. Унинг рўзғори бут, оиласида шарт-шароитлар етарли.

Учрашувда давлатимиз раҳбарининг «Қиз бола — бўлгуси оила бекаси, келажакимиз эгасидир» дея берган таърифлари барчага маъқул тушди.

Шундан келиб чиқиб, биз ёшларимизни миллий ва умумбаشارий қадриятлар руҳида тарбиялаш, айнқсқа, қиз болалар саломатлигини асраш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар замонавий билим ва касб-хунар эгаси бўлиб воға етиши, жамиятда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш учун қатор амалий лойиҳалар ишлаб чиқишни режалаштирдик.

Касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларини битидириб чиқаётган ёшларимизни, авваламбор, қиз болаларни, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида амалга ошириб келинаётган «Ижтимоий Ҳимодан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳасини, шунингдек, аёллар, қизлар, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш мақсадида «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги» каби лойиҳаларимизни янада тақомиллаштиришни режалаштирдик.

Ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан бирга «Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни», «Фарзанд камолоти — жамият бахти» мавзуларидаги тадбирларни энг чекка ҳудудларда ҳам ўтказиш, «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз!» лойиҳаси асосида хотин-қизларни ижтимоий Ҳимодан қилиш бўйича чоралар белгиланб олди.

Умуман олганда, хотин-қизларимизнинг оғирини енгил қилиш, турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ишларга муносиб ҳисса қўлиш ниятидамиз.

Ўзбек ва туркман халқлари азал-азалдан ёнма-ён, тинч-тотув, аҳил ва иноқ яшаб келган, бир дарёдан сув ичган, бир-бирининг маданиятини бойитган.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

партия ташкилотлари, депутатлардан
улкан масъулият талаб этади

Жойларда кенг жамоатчилик томонидан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, унда белгиланган вазифаларнинг ҳаётини аҳамияти қизғин ўрганилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдига турган устувор вазифалар муҳофизат қилинди.

Шараф УСНАТДИНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқоры Кенгесидеги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни жадал ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ келгуси 5 йилга мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб берилди. Улар давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш сингари муҳим йўналишлардан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида 2017-2021 йиллар мобайнида 8 триллион 400 миллиард сўм инвестиция киритилиши мўлжалланган. Хусусан, 740 миллион доллар ҳисобига Таҳиятов ИЭСда 2 та буг генератори қурилади. Нукус шаҳридаги Ерناзар Олакўз марказий қўчаси кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада қулайлик яратилади. Йўл бўйида қўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади.

Шу йилнинг ўзига 30 та қўп қаватли уйлар, келаси йил эса 20 та, жами 50 та қўп қаватли уйлар қад кўтарилди. Шаҳарда қуриладиган полимер маҳсулотлари заводи



йилига 8 минг тонна полиэтилен труба, қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Замонавий технология билан жиҳозланадиган ушбу корхонада юздан ортиқ иш ўрни яратилади. Шунингдек, Нукус аэропортини жаҳон стандартига мос тарзда қайта жиҳозлаш, темир йўл вокзалидаги хизмат турларини кўпайтириш, йўловчилар учун қулайликлар яратиш мўлжалланган.

Бу борада партиямиз ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ҳам талабчан бўлиши, режа ва дастурларга қиритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ўрганиб бориши, аynи пайтда, қатъий позиция кўрсатиши талаб этилади.

Махсуд САЪДУЛЛАЕВ,
халқ депутатлари Амударё
туман Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи раҳбари:

— Сайловчилар билан учрашувлар ва мулоқот жараёнида бир нарсаси қўп гувоҳ бўлдим. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони халқимиз томонидан катта кўтаринкилик билан қабул қилинди. Мазкур ҳужжат оддий одамларнинг хоҳиш-истакларини ўзига мужассам этгани билан

Шу йилнинг ўзига 30 та қўп қаватли уйлар, келаси йил эса 20 та, жами 50 та қўп қаватли уйлар қад кўтарилди. Шаҳарда қуриладиган полимер маҳсулотлари заводи йилига 8 минг тонна полиэтилен труба, қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Замонавий технология билан жиҳозланадиган ушбу корхонада юздан ортиқ иш ўрни яратилади.

ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, унда халқ билан мулоқот қилишнинг самарали механизми ва жамоатчилик назоратининг замонавий шакллари жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Бу биз, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Партия гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини чуқур таҳлил этиши, уларнинг қай даражада самарали амалга оширилаётганини тизимли мониторинг қилиши талаб этилади. Яна бир муҳим жиҳат: «Масалани ўрганиб, маълумотлар йиғиб», қабилида иш тутиш билан вазифани тўлиқ адо этиб бўлмайди. Биз нафақат ҳудудлардаги

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уларда Ҳаракатлар стратегияси ва Давлат дастурининг ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳларининг иштирокини кенг ёритиш бўйича таҳлилий материаллар бериб боришимиз лозим.

Куватбой ҚУРБАНБАЕВ,
ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши
раиси:

— Партиямиз Марказий Кенгаши томонидан Давлат дастурининг асосий устуворликларидан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Биз уларни амалга оширишда расмийликка йўл қўймаслигимиз, номига тadbир ўтказиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси Президентимизнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган шикоятлар, мутахасссларнинг барча соҳаларни чуқур ўрганиши, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш ҳақидаги тақлифлари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу муҳим ҳужжатда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича вазифалар белгилаб олинди. Шунга асосан биз ҳам фаолиятимизни тубдан ўзгартиришимиз ва аниқ амалий ҳаракатларга асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга татбиқ этишимиз керак, деб ўйлайман. Яъни энди кўпроқ халқнинг ичига кириб боришимиз, одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилишимиз ва аниқ ечимга қаратилган тадбирларни ўтказишни йўлга қўйишимиз зарур. Чунки ҳозирги замон, белгиланган долзарб вазифалар амалий фаолиятни талаб қилмоқда.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўқув-семинар

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ЧУҚУР

ЎРГАНИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ўрганиш ва унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ долзарб вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

— Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳоли бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлашини яхшилаш, дория-дармонлар нархларининг асосий ўсишига йўл қўймаслик кечиктириб бўлмас вазифа саналади, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати **Муқаддас Раҳматуллаева**. — Биз халқ орасида юриб, ўз ечимини кутаётган муаммоларни жойида ҳал этишга, аҳоли билан кўпроқ мулоқот қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Семинарда партия сайловолди дастурида белгиланган долзарб масалаларни бажариш, партия аъзолари фаолиятини ошириш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш механизми ва ҳуқуқий асослари ҳусусида атрофлича фикр юритилди.

Тадбирда жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи аъзолари иштирокida электроташкилотларини ўрганиш гуруҳларини ташкил этиш, улар томонидан ҳар бир ҳудуд бўйича аҳолини қийнаётган масалаларни ўрганиб, маълумотлар базасини яратиш, партия ва фракция веб-сайтида партия электроташкилотлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳофизат қилинаётган қонун лойиҳалари юзасидан ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш ва бошқа масалалар муҳофизат қилинди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партия ташкилотлари ва депутатлар фаолиятини кучайтиришга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда депутатлар иштирок этиди.

Дастлаб партия Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов депутатлар ўз фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Маҳаллий Кенгашлар сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш механизмида самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

— Бугун шунчаки қозғолди, иш битираман деган депутат, партия фаолиятини қаттиқ янгилади. Одамлар билан ҳамнафас бўлиб ишласак, жамиятда ўз ўрнига эга бўламиз, — деди у. — Аммо тан олиш керак, ҳамма депутатларимиз ҳам, партия ходимларимиз ҳам ишга, ўзига юклатилган вазифага жон жаҳди билан қирмаган. Электроташкилотлар билан масалаларни ҳал этиш бўйича сусткашликка йўл қўйиб келаётган вакилларимиз ҳам йўқ эмас. Бу каби ҳато ва камчиликлари бартараф этиш, ташаббускорликни ошириш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Эндilikда ҳар бир депутат ўз ҳудуддаги ҳаётни чуқур ўрганиб, тақлифлар беради.

Ўқув-семинарда, шунингдек, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишиларга манзилли ёрдам кўрсатиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳофизатидан ўтказиш жараёнида фаол иштирок этиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Анвар Бойқулов, Тошкент вилоят партия кенгаши раиси **Меҳрозиiddин Дархон** ва бошқалар семинар мавзусига доир фикр-мулоҳазаларини билдирди. Партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган ўқув-семинарларни тизимли равишда ўтказишга келишиб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди «Мамлакатда рўй бераётган демократик ислохотларнинг аниқ натижалари тўғрисида миллий ва хорижий аудиториянинг хабардорлигини ошириш, сўз эркинлигини ва ахборот олишни, ОАВни янада либераллаштиришни таъминлашга кўмаклашиш» мавзусида

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган янги қонунлар, Президентимиз ва Ҳукуматнинг фармонлари ва қарорлари асосий жиҳатларини аҳолига етказишнинг самарали инновацион механизмларини яратиш ва оммавий ахборот воситаларида жорий қилиш;
2. Қонунларнинг таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқот янги усулларини, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини ёритишнинг инновацион механизмларини оммавий ахборот воситалари фаолиятига татбиқ этиш;
3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти очилигини ва ошқоралигини таъминлаш борасидаги ишларда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш;
4. Қонун лойиҳаларининг эксперт муҳофизатини оммавий ахборот воситаларида ташкил этиш, жумладан, махсус теле ва радио кўрсатув ва эшитиришлар уюштириш, интернет ва босма

- мақолалар чоп этиш ва бошқалар;
5. Иқтисодий, молиявий, ижтимоий соҳаларда, фуқаролик-хуқуқий муносабатларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширишга қаратилган материалларни оммавий ахборот воситаларида таяёрлаш ва чоп этиш;
6. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати, буюк шахслари, республика-мизнинг турли соҳаларида демократик ислохотларнинг замонавий босқичида эришилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни чет тилларда таяёрлаш ва интернет тармоғининг махсус манбаларига жойлаштириш;
7. Ўзбекистоннинг туристик, маданий-тарихий, гастрономик, экотуристтик салоҳияти, шунингдек, ижтимоий инфратузилмаси тўғрисида ахборот ва таҳлилий маълумотларни чет тилларда кенг ёритишнинг янги усулларини хорижда жорий этиш, Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни жалб этишга кўмаклашиш;
8. Ўзбекистон ва мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий, ижтимоий ва инсон салоҳияти ҳақида таҳлилий маълумотларни, роликларни ва бошқа маълумотларни таяёрлаш ва эфирга узатиш, уларни миллий ва хорижий етакчи оммавий ахборот воситаларининг сайтларига жойлаштириш;
9. Хомашё ресурсларини қайта ишлаш, қишлоқ жойларда илгор технологияларни ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқишни жорий этиш соҳаларига хорижий давлатларнинг реал инвестицияларини жалб этиш учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар тўғрисидаги ахборотларни хорижда кенг тарқатиш;
10. Замонавий Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш борасидаги ютуқлари, мамлакатдаги бағрикенглик тамойиллари, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари ва қадриятлари тўғрисида ахборот, таҳлилий материаллар ва янгиликлар билан таъминлаш ҳамда уларни миллий ва хорижий медиа манбаларда тарқатиш;
11. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, барқарор ривожланаётган жамиятнинг негизи бўлиши оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган

- материалларни хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;
12. Соғлом фарзандлар дунёга келишининг муҳим омилли сифатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг туғма касалликлари ва нуқсонлар билан дунёга келишининг олдини олиш ва профилактикасига бағишланган материаллар таяёрлаш ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;
13. Ёшлар тўғрисидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш чора-тадбирлари, ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш борасида материаллар таяёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш;
14. Атроф-муҳитни асраш, ҳудудлардаги ноёб турдаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва қўшларни муҳофизат қилиш ҳамда экология соҳасида ижтимоий муҳим лойиҳаларни амалга ошираётган ННТлар фаолиятини ОАВда ёритишни кучайтириш ҳамда экологик журналистикани ривожлантириш;
15. Мамлакат ҳудудларининг турли соҳаларда эришилган ютуқларини ва салоҳиятини, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритадиган интернет

- сайтларни яратиш ва интернет оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш;
16. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, санитария-эпидемиология назорати марказлари ҳамда бошқа манфаатдор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда обод маҳаллаларнинг илгор амалиётини ўрганиш ва уларнинг ютуқларини бошқа маҳаллаларга тарғиб этиш, «Экологик ўрнатма маҳалла» танловини ўтказиш;
17. Ижтимоий етимликнинг олдини олиш, алоҳида эҳтиёжманд болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мослашуви ва бўш вақтини сифатли ташкил этиш, турли хилдаги спорт турларига, фан, маданият ва тасвирий санъатга жалб этиш;
18. Болалар уйларида ота-она қаровисиз қолган етим қиз болаларни оилавий ҳаётга таяёрлаш, уларда ҳаётини қўйишнинг шакллантиришга оид тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қўзғатиш хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат

- рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Низомини нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 27 февралдан 3 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатлар тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Партия фаоллари, депутатлар фидойи бўлиши лозим.

УНАБИ — КОНИ ФОЙДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганида унаби (чилонжийда) ва ёнғоқзорларни кўпайтириш, лимон етиштиришга эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Унаби қандай етиштирилади? Қайси касалликларга даво?

Шу каби саволлар билан академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Сурхондарё илмий тажриба станцияси илмий ходими Нейматулло Астанакуловга мурожаат қилдик.

— Аввало унаби ҳақида қисқача маълумот берсангиз...

— Унаби — субтропик ўсимлик бўлиб, чилонжийда ёки «Житой финики», деб ҳам юритилади. Асосан Ўрта Осиё, Кавказ ва Украинада кенг тарқалган. Унинг 20 дан ортиқ нави бор. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида учрайдиган чилонжийда тез ўсувчан бўлиб, 1-2 йилда мева беради. Тўлиқ ҳосил бериш даври — 8-10 йил. Бир дарахтдан ўртача 35-40, ҳатто 120-160 килограммгача мева олиш мумкин. Қуруқ ва иссиққа чидамли, 30 даражали совуққа ҳам чидайди. Мевасининг таркибида 21-25 фоиз қанд, 0,5-1,3 фоиз кислота ва кўплаб витаминлар мавжуд. Темир, кобальт ва йодга тўйинган чилонжийдани ҳўл ва қуритилган ҳолда истеъмол қилиш мумкин. У нафақат соғлиқ гарови, балки бойлик манбаи ҳамдир.

Чилонжийда уруғидан ҳамда пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Уруғлар 3-4 кун сувда ивителиб,



нам кумда 40-60 кун сақланади. Февралнинг охири ва март ойининг бошларида эса эгاتларга экилади. Ўсимлик кўчати экилаётганда ерости сувлари 2-3 метр пастда бўлиши керак.

Ўзбекистон шароитида 1 гектар майдонга ўртача 400-600 дона кўчат (5x5 метр) экиш мақсадга мувофиқдир. Сув кам бўлган ҳудудларда эса 4x3 метр тавсия қилинади. Ниҳолларни 20 мартдан 1 апрелга қадар экиш фойдалидир. Унабини 5-7 марта сугориш мумкин. Кумли ва қаттиқ ерларда эса бунга яна кўпайтириш мумкин. Чилонжийдалар апрель-май ойларида, ҳаво ҳароратининг 10-12 даража илқ бўлиши билан гулга қиради. Мевалар сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилади.

— Боғ парваришида нима-ларга аҳамият бериш керак?

— Бир гектарли боққа учинчи йилдан бошлаб 120 килограмм азот, 90 килограмм фосфор, 60 килограмм калий ва меъёрида маҳаллий ўғит бериш фойда беради. Майда кумли ёки тупроқли майдонда 180 килограмм азот, 120 килограмм фосфор ва 90 килограмм калий тавсия қилинади. Дарахтларга ўз вақтида ва тўғри шакл беришни ҳам унутмаслик керак.

Мевалар чилонжийда пашшаси билан зарарланиши мумкин. Бунинг олдини олишда эрта баҳорда дарахтларга «инсектецид» кимёвий дориси билан ишлов берилса, албатта кўзланган мақсадга эришилади.

— Ўзбекистон шароитида қайси навларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайсиз?

— Мамлакатимизда «Та-ян-цзю», «У-син-хун» «Даргом»,

хайдайди. Қон босимини меъёрида ушлади. Юрак фаолиятини муътадиллаштиради. Буйрак шомлашига чек қўяди. Умуман, унабининг 20 дан ортиқ хасталикка шифобахшлиги аниқланган.

— Маҳаллий шароитда унабидан шарбат тайёрланаётган экан. Бу ҳақда фикрингиз қандай?

— Аввало, шарбатнинг фойдалари ҳақида тўхталмоқчиман: Меванинг ошқозонда ҳазм бўлишига тахминан 40-50 дақиқа кетса, сабзавотлар учун тўрт соат сарфланади. Шарбатлар эса хоҳ меваники, хоҳ сабзавотники бўлсин, бир неча дақиқадаёқ танага сингади. Қолаверса, мевадаги барча витаминлар, маъданли тузлар, аминокислоталар, ферментлар ва майдаланган ҳужайрачалар ҳам шарбатга чиқади. Хуштаъм ширинлик организмдан барча хилларни ҳайдайди, яллиғланишни бартараф қилиб, ичак тизими фаолиятини яхшилади.

Момою боболаримиз чилонжийдани «қизил қопчадаги ун»га қиёслади. Ундан хуштаъм шарбат тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ярим килограммдан ортиқ чилонжийдаги тахминан 2 литрча қайноқ сув ва таъбга қараб шакар (новот қўшилса яна яхши) қўшилади. 1-2 соат тиндирилгач, истеъмол қилиш мумкин. Ўтишдан аввал 1-2 пиёла чилонжийда шарбатини ичсангиз, мириқиб ухласиз. Асаб тизими меъёрида бўлади.

Унаби нафақат соғлиқ гарови, балки даромад манбаи ҳамдир. Шундай экан, унаби боғларини кўпайтирайлик!

«Ўзбекистон овози» мухбири Абдумалик ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

Брифинг

Тошкент шаҳар ҳокимлигида навбатдаги брифинг бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент метрополитенида пенсионерларга бепул хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги қарори ҳақида атрофлича ахборот берилди.

МЕТРО ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН БЕПУЛ БЎЛДИ

— Кексаларимизни асраб-авайлаш, ҳар бир нуроний отахон ва онахонга ғамхўрлик ва эътиборни янада кучайтириш, шаҳар йўловчи транспорти хизматидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 мартдаги Тошкент метрополитенида пенсионерларни бепул ташиш тўғрисидаги қарори билан отахону онахонларнинг мазкур транспорт хизматидан имтиёзли фойдаланишининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари, «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси раҳбари Ойбек Худойкулов. — Унга мувофиқ, метрополитен кассаси операторига пенсия гувоҳномаси кўрсатилгандан кейин бир марталик махсус жетон тақдим этилади. Мазкур жетон билан пенсионер алоҳида ажратилган турникетдан ўтади. Қайд этиш жоизки, пенсионерлик гувоҳномасига эга бўлган мамлакатимизнинг барча фуқаролари бу имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Пенсионерлар Тошкент метрополитени хизматидан 15 мартдан бошлаб бепул фойдаланиши мумкин. Ушбу имтиёз ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 га қадар амал қилади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол ИККИНЧИ ТУР ЯҚУНЛАНДИ



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасининг иккинчи туридан жой олган учрашувлар ўтказилди.

Иккинчи турнинг дастлабки кунинда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Локомотив» ўз майдонидан «Сўғдиёна» жамоаси дарвозасига жавобсиз учта тўп киритиб, ишончли ғалабага эришди. Учрашувнинг 70-дақиқасида Марат Бикмаев пенальтидан гол киритиб ҳисобни очган бўлса, 82-дақиқада Темурали Капаев, орадан икки дақиқа ўтиб эса Жалолиддин Машарипов рақиб дарвозасини ишғол қилди.

Жорий йил олий лигага қайтган «Динамо» мавсумни кетма-кет ғалаба билан давом эттирмоқда. Биринчи турда самарқандликлар «Металлург»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратгани ҳақида хабар берган эдик. Иккинчи турда «Динамо» ўз майдонидан «Шўртан» клубини 3:0 ҳисобида енгди. Сардор Сулаймонов, Ахмед Бозоров ва Абдумалик Абдуллаев рақиб дарвозасига биттадан тўп киритиб, жамоасининг ғалабасини таъминлади.

«Насаф» ва «Бухоро» жамоалари ўртасидаги баҳс қаршилиқ футболчилар фойдасига ҳал бўлди — 2:1.

Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Бунёдкор» клублари сафарда дуранг натижага қайд этди. «Нефчи» — «Пахтакор» ва «Олмалик» — «Бунёдкор» учрашувларида дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди.

Иккинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Обод» — «Қўқон-1912» — 1:1, «Машъал» — «Металлург» — 1:0, «Қизилқум» — «Навбахор» — 2:1.

Б.АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

Баркамол авлод орзуси



Жаббор НАБИЕВ олган сурат.

ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

Иштихон туманида бундан уч йил муқаддам қурилиб, фойдаланишга топширилган 21-болалар мусика ва санъат мактабини кўрган кишининг кўзи қувонади. 150 нафар ўқувчига мўлжалланган икки қаватли мактабда 250 ўринли концерт зали, 18 ўқув хонаси мавжуд бўлиб, болалар ўзбек халқ чолғу асбоблари, пуфлама чолғу ва фортепьяно, анъанавий ва эстрада хонандалиги, тосвирий ва амалий санъат, театр ва хореография йўналишлари бўйича таълим олишади.

Ўтган йили тасвирий санъат йўналишида Улугбек Абдувалиев, ҳайкалтарошлик бўйича Дурдона Эргашева, эстрада соҳасида Отабек Жамолов «Камалак юлдузлари» кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб бўлиши, вилоятда юқори ўринларни эгаллашлар. Анъанавий хонандалик бўлими ўқувчиси Зебинисо Қўчқорова «Замонамиз куйчиси» танловида «Энг яхши овоз соҳиб» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

— Истеъдодли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ота-оналар доимий равишда биз билан ҳамкорлик қилишади, — дейди санъат мактаби директори Мурод Рўзиев. — Ҳатто байрамларни ҳам биргаликда нишонлаймиз. Шу кунларда Наврўз байрамига қизгин тайёргарлик қўраяпмиз.

Абдурашул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва даромад манбаини кўпайтиришга қўмаклашиш тижорат банклари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент вилоят бўлими молиялаштираётган кичик бизнес лойиҳалари иқтисодийнинг кўплаб тармоқларини қамраб олган.


Эътиборлиси, банк кредитлари рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган энг янги ускуна ва технологияларни харид қилиш учун йўналтирилмоқда.

«Fruits Season Group» МЧЖ мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, уларни сақлаш ва экспортга тайёрлаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мазкур корхона яқинда 5 минг тонналик замонавий совутгичли омборхона билан жиҳозланган логистика марказини очиб бўйича банк билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Лойиҳа миқдори 25 миллион АҚШ долларидан иборат бўлиб, шундан 10 миллион Миллий банк кредити ҳисобидан молиялаштирилди.

Маълумки, дунёда мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаб, экспортга тайёрлаш ва транспортини таъминлаш ишларини комплекс

бажаришда логистика маркази муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис 2018 йилнинг 3-чорагида ишга туширилиши режалаштирилган ушбу логистика маркази ҳам маҳсулотларни ташқи бозорга етказишда катта имкониятларга эга бўлади.

— Марказимиз 16 ярим гектар майдонда жойлашган бўлиб, унда Голландиянинг 13 минг тонналик совутиш камералари, юқори қувватда ишловчи технологияга асосланган иссиқхона бўлади, — дейди «Fruits Season Group» МЧЖ раҳбари Анвар МУҲАММЕДОВ. — Шунингдек, бу ерда мева-сабзавотларни қайта ишловчи яна 2 цех ҳам жойлаштирилди. Сабзавот ва меваларни қайта ишлаб, турли концентратлар, болалар учун пюре, чипслар тайёрлаймиз. Маҳсулотимиз экспортбоп бўлиб, асосан Европа давлатлари ва қўшни мамлакатларга етказилиши режалаштирилган. Таъкидлаш



Хизматлар лицензияланган.